МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ВА МАЪРИФАТИМИЗ БАЙРАМИ

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 1 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 76 (6972)

Da'vat

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Чироқчи туманидаги 100-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Равшан Маҳмудов 1997-98 ўқув йилида ўзининг ҳар ойлик маошидан беш юз сумини тарих фанини энг яхши ўзлаштираётган ўқувчи учун стипендия сифатида инъом этажагини билдирди. Хайр-саховат учун тоғдай давлат эмас, серсаховат қалб керак деганлари шу бўлса керак-да!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪРИФАТ АҲЛИГА

Қадрли устозлар ва мураббийлар!

Азиз ватандошлар!

Сизларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан самимий табриклайман.

Бу кун айни йилдан эътиборан Ватанимизда миллий байрам сифатида нишонланмоқда. Шунинг ўзи ёш қалбларга эзгулик уруғини сочаётган, улар юрагида илм-маърифат машъалини ёқаётган сиз каби заҳматкаш касб соҳибларига давлатимиз ва халқимиз ҳурмат-эҳтиромининг яна бир ёрқин намунасидир.

Бугун биз жамиятимиз ҳаётида юксак маънавиятни барқарор этиш сиёсати йўлида авваламбор сиз азиз ўқитувчилар ва мураббийларга суянишимиз бежиз эмас. Негаки, фақат маърифатли, билимли инсонгина маънавиятли бўла олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги муаллимлар ва мураббийлар байрамини ҳақли равишда миллий маънавиятимиз ва маърифатимиз байрами, деб айтишимиз мумкин.

Муаллим — миллатнинг юзи. Ватан истиқболининг асл бунёдкори. Эртанги кунимиз, барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар тақдири, қолаверса, мамлакатимиз тақдири сизнинг қўлингизда. Чунки замон сиздек азиз инсонлар зиммасига дунё илм-фани ютуқларидан яхши хабардор, жаҳоний миқёсларда халқимиз номидан баралла сўз айта олувчи, Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят масъулиятли вазифа юкламоқда.

Сизларнинг таълим соҳасидаги бой миллий анъаналар, замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этувчи янги миллий дастуримизда кўзда тутилган улуғвор вазифаларни бажаришга қодир эканингизга ишончим комил.

Ана шу эзгу йўлдаги масъулиятли ва қутлуғ ишларимизда Оллоҳнинг ўзи сизларга мададкор бўлсин.

Байрам онларида барчангизни яна бир бор қутлаб, сизларга куч-қувват, сиҳат-саломатлик, оилавий фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

САОДАТБАХШ КУНЛАР

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтган тантаналар ҳақида репортаж

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан жойларда байрам кечалари ўтказилиб, муаллимлар, мураббийлар шаънига «Таъзим Сизга, устозлар!», «Минг ташаккур, азиз муаллимлар!» каби ширин каломлар айтилиб, уларга ҳурмату эҳтиром кўрсатилмоқда. Эрталаб мактабга ошиқаётган ўқувчиларнинг қўлларидаги гуллар ҳам устозлар учун эди.

Энг масъул касб эгаларини нечоғлик ардоқласанг, шунча оз. Чунки инсон учун ғоят олий ва муқаддас бурч — бу ортидан келаётганларга илм ўргатиш, улар онгига, шуурига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат ва озодлик, эркинлик тушунчаларини сингдиришдир.

Муаллим, мураббий мисоли офтоб. Улар урф-одатларимизни, аньана ва қадриятларимизни ўқувчиларига эринмай ўргатишади. Шу боис устозлар меҳнати, қадру қиммати ҳукуматимиз эътиборида турибди. Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан (1996 йил, 9 сентябрь) ўқитувчиларнинг касб байрамлари — умумхалқ байрамига айлантирилди. Зеро, келажак устозлар қўлидадир.

Миллий маданиятимиз ва маърифатимиз байрами тантанали ўтишига Тошкент шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳам ўзига хос байрам тадбирини ишлаб чиқдилар. Дастурга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан халқ ўқитувчилари, илғор мураббийлар, боғча тарбиячилари, мактабдан ташқари муассасалар вакиллари Тошкент шаҳрига таклиф қилиндилар. Меҳмонлар 28 сентябрь куни Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларида бўлиб, эркин тажриба алмашдилар, Ҳамза номидаги академик театр томошасида қатнашишди. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Хуллас, уларга катта эҳтиром кўрсатилди.

— **Энг саодатбахш кунлар шоҳиди бўлдик**, — деди Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жомурод Жиловов. — **Устозлик бахти, камолини ҳис этдик. Аслида ғурур туйғусини берадиган Ватанда яшашнинг ўзи бахт. Ўқитувчи, мураббийларга ўғил-қизларнинг меҳрини қозониш бахти ҳам насиб этганки, бу қўшалоқ туҳфа билан улар ҳар қанча фахрланса арзийдилар.**

Қадриятларимиз байрамида бу фикрларни ва ҳар бир тадбирда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси руҳи сезилиб турганини Сирдарё вилояти хорижий тиллар лицейи директори Дилором Раҳимова, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Насиба Исломова, шу вилоятдаги 1-ҳунар-касб лицейи ўқитувчиси Жамила Бердиева, «Қувонч» боғчагимназия мажмуининг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Холида Пирназарова ва бошқалар ҳам билдирдилар.

МИННАТДОР НИГОҲЛАР

Меҳмонлар пойтахтимизнинг гўзал «Наврўз» ресторанида бўлишиб,

(Давоми 2-бетда).

Tadbir

ЭЪТИБОР БЎЛСА БАС

Маълумингизки мамлакатимизда таълим соҳаси бўйича ташланган бир нечта жиддий қадамларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Яъни булар яқинда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури»дир. Шунингдек, Президентимиз томонидан 1 октябрнинг Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ва умумхалқ байрами деб эълон қилиниши ҳамда шу байрам арафасида таълим соҳасининг бир гуруҳ ходимларининг давлатимиз мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланишини бу борадаги катта воқеа дейишга ҳақлимиз.

Ҳамза театрида бўлиб ўтган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг катта байрам тантанасининг ҳам энг ҳаяжонли онлари илм даргоҳидан ҳукуматимиз мукофотларига сазовор бўлган 6 нафар устозларни муборакбод этиш бўлди. Шунингдек, институтнинг 1-курсига қабул қилинган талабаларни талабаликка бағишлов кечаси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири муовини Хайриддин Маъсудов, институт ректори Баҳром Қодиров ва бошқалар сўзга чиқишиб, давлатимиз тараққиётининг муҳим омили бўлган таълим соҳаси тараққиёти, ўз навбатида унинг негизини ташкил қилувчи педагоглар тайёрлашда ушбу институтнинг тутган ўрни хусусида гапирдилар. Масъулиятли йўлни танлаган 1-курс талабаларини қизғин қутлаб, уларнинг ўқишларига фақат муваффақият тилади.

Ўз навбатида талабалар ҳам қувончу миннатдорчиликларини изҳор этишиб, талабалик қасамёдини қабул қилишди.

Рустам БОЙМАТОВ.

ҲАЁТИМНИНГ МАЪСУД ОНЛАРИ

Манзура МАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Қўқон шаҳридаги 10-ўрта мактаб муаллимаси

Мустақиллигимизнинг олтинчи йили — «Инсон манфаатлари йили»да «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» қабул қилиниши, маънавиятга, таълим-тарбияга бу қадар катта эътибор берилиши барчамизни беҳад руҳлантирди, шунингдек, зиммамизга юксак масъулият юклади. Агар мамлакатимизда 24 миллиондан зиёд аҳоли яшар ва унинг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этар экан, фахрланаманки, мен ҳам шу аёлларнинг биримам ва аёллар ичида онаман, шу билан бирга эъзозли касб эгасиман — ўқитувчиман.

Не бахтки, Оллоҳнинг иноятн, Истиқлол шарофати ва сўзлари билан ишлари бир бўлган муҳтарам Президентимизнинг Фармонлари ила оддий ўқитувчи хонадонида бирдан машъала ёнди, хушхабар таралди ва бу нурафшон ёғду бир зумда нафақат водий, балки бутун мамлакатдаги заҳматкаш зиёлиларимизнинг хонадонини чароғон этди. Зеро, менга берилган бу юксак мукофот барчабарча касбдошларимга бўлган олий эътибор ва эҳтиром намунасидир. Бу олий мукофотга ватанимиздаги минглаб ҳамкасбларимнинг меҳнатлари лойиқ бўлгани ҳолда, бу бахт менга насиб этган кун — ҳаётимнинг энг маъсуд, энг ёрқин дақиқалари бўлиб қолади.

Кўтаринки руҳ, аъло кайфият билан бошланган янги ўқув йилининг дастлабки жўшқин ойи ўтиб бораётган айни дамларда инсон қалбининг меъморлари бўлган барча ўқитувчилар номидан сўз бериб айтаманки, бу юксак ишонч ва олий мукофотни оқлашга янги ўқув йилини ва бундан кейинги барча ўқув йилларини ҳам юқори кўрсаткич ва катта муваффақиятлар билан олиб боришга астойдил интиламиз. Муқаддас Ватанимизнинг келажагига муносиб кадрлар тайёрлашдек, ҳар томонлама етук ва билимдон ёшларни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишга улкан ҳиссалар қўшишга, ташаббускорлик ва янада фидокорлик билан ишлашга, янги-янги ижодий изланишлар олиб боришга, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, қарор ва кўрсатмаларни ҳаётга чуқур тадбиқ этиб, самарали натижаларга эришишга, бир тан, бир жон бўлиб ҳалол меҳнат қилишга сўз берамиз.

Ниҳоят барча ўқитувчиларнинг дил сўзлари ва ўзимнинг беқиёс миннатдорчилигим мужассамланган, менга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган куни ёзган сатрларим билан сўзимни якунлайман.

Неча тенгим орзу қилган ифтихорим ушбу он,
Қувончимдан куйлагайман дилда борим ушбу он.
Буюк Истиқлол қуёши берди мангу ҳур ҳаёт.
Жаранглайди минг оҳангда юрак торим ушбу он!
Меҳнатимнинг гашти бирла яшнагайман кун сайин,
Тобора эл ичра ошган, эътиборим ушбу он.
Орзуларим топгай камол, камситолмас ҳеч киши,
Қадрлангай бениҳоя номус-орим ушбу он.
Еру кўкда турар зийрак посбоним ҳар маҳал,
Топтаёлмас душманим ҳеч гулузорим ушбу он.
Буюк халқим, минг ташаккур, мен қизинг ман бахтиёр,
Қолмади асло дилимда гард-ғуборим ушбу он.

СУРАТДА: Манзура Мадалиева ҳамкасблари даврасида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУН 2-БЕТ.

ҲАЁТИМНИ МИЛЛИЙ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШГА БАҒИШЛАЙМАН 3-БЕТ.

КУЗ ФАСЛИДА БАҲОР ЭПКИНИ 5-БЕТ.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Bayram mushoirasi

УСТОЗЛАРГА

Қалбингиз осмонга менгзайман устоз,
Боғрингизда минг-минг шогирд — юлдузлар.
Кўнгил чашмингиздан сув ичиб боз-боз
Мурувват ҳам сиздан олмишдир туслар.
Беқиёс бир зиё, беқиёс бир нур,
Сизнинг кўнглингизни айлаган Ватан.
Шафоат сеҳрига тўлиб товланур —
Илм сизга тандир, ҳикмат сизга тан.
Сизга таъзим, улуғликда мисли тоғ,
Заковатда якто, ягона устоз.
Дилларда гуллагай сиз яратган боғ,
Дилларда куйлагай сиз таратган соз.

Инобат ҚЎЧҚОРОВА.

ЎРТАДА ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ БОР

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.

Барча орзуларимни ўқитувчилар уйғотганлар, барча орзуларимни ўқитувчиларим тарбиялаганлар ва барча орзуларимни ўқитувчилар қаноатлантирганлар.

Юрагимнинг қаърларига қарасам, мени илк синфларда ўқитган муаллимларимни кўраман. Улар ўша қаттол уруш йиллари жуда ёш эдилар, жуда мурғаккина қиз болалар эдилар. Уруш йиллари қишлар ва баҳорлар жуда совуқ бўлар эди. Иситилмаган мактабларнинг совуқ синфларида бизни қиз бағирларига ўраб сақлар ва ҳарф ўргатар эдилар. Бизни эски шоҳи кўйлакларининг этакларига ўраб ташқарига олиб чиқар ва қонларимиз югурсин деб югуртирар эдилар мактаб ҳовлиларида. Шунчалик бизга қуюнар эдилар ўша уруш йилларининг қиз бола муаллимларим.

Биздан жиндаккина ақлли гап чиқса, жиндаккина болалик илҳоми учқунлаганини кўрсалар, сезсалар, дарҳол худди ўзларига самолардан тортиқ тушгандай суюниб кетар, бу тортиқни қайга қўйишни билмай қолардилар. Шунчалар бизга суюнар эдилар ўша уруш йилларининг қиз бола муаллимларим. Шундай севар эдилар бизнинг ғўр-шўр довуччадек иншоларимизни ўша уруш даврининг қиз бола муаллимларимиз. Бошлари осмонга етар эди биз агар Қуддус Муҳаммадийнинг рубоб торларидай жарангдор болалик шеъларини мабодо ёддан ўқиб берсак!

Муаллимларим бизни шунчалар иззат қилар эдилар ва иззатли болалар бўлиб ўсардик. Ўзимизни иззатли ҳис қилардик.

Инсонда иззатни тарбиялар эдилар ўша уруш даврининг қиз бола муаллимларим.

Кейин бизни ҳеч қачон, ҳеч қандай бир шароитда шу мурғак жонларимизга маҳкам ўрнашган иззат туйғуси ва ҳиссиёти тарк этмади.

Умримизнинг ҳар қадамида ўқитувчиларимиз, муаллимларимиз, домлаларимизга дуч келамиз. Уларнинг масъулиятли, серташвиш нигоҳлари бизни ҳар дамда кузатиб тургандай, ҳар дамда:

«Сен ўзингни қандай тутяпсан, болакай?» — деб сўраётгандек бўлади.

Шахсан мен ўзим ўқитувчиларим ва муаллимларимнинг нигоҳларини ҳеч қачон йўқотмаганман. Улар — шу отадан ортиқ, онадан ортиқ нигоҳлар мени қўллаб турадилар. Ҳаёт жабҳаларида қўллаб турадилар.

Қўллаб турадилар деб ёздим. Ва ўйланиб қолдим.

Бизни садоқат билан қўллайдиган ким?

Бизга холис меҳр билан йўл кўрсатадиган ким?

Мен яхши сўзга ташна эдим.

Яхши сўз жонимга мойдай ёқарди.

Яхши сўз эшитсам, баъзан ўзимни тутолмасдим. Йиғлаб юборар эдим.

(Давоми 3-бетда).

Ehtirom

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

2-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида таълим соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

4-модда. Билим олиш ҳуқуқи

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-ҳунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

оилада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

5-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади.

Педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

6-модда. Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасасини аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаси аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Таълим муассасалари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли.

Таълим муассасалари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

7-модда. Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

8-модда. Таълим бериш тили

Таълим муассасаларида таълим бериш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

II. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ТУРЛАРИ

9-модда. Таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

10-модда. Таълим турлари

Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

мактабгача таълим;

умумий ўрта таълим;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;

олий таълим;

олий ўқув юртидан кейинги таълим;

кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

мактабдан ташқари таълим.

11-модда. Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар бошқа таълим муассасаларида олиб борилади.

12-модда. Умумий ўрта таълим.

Умумий ўрта таълим босқичлари қуйидагича:

бошланғич таълим (I-IV синфлар);

умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилгандир. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

Болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилиши мумкин.

13-модда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари эгалланган касб-ҳунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимни навбатдаги босқичда давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касб-ҳунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юртидир.

14-модда. Олий таълим

Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билим берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича бакалавриат негизида камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Фуқаролар иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни шартнома асосида олишга ҳақлидирлар.

15-модда. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилгандир. Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиниши мумкин.

Илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

16-модда. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда янгилашни таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, мусиқа мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар киради.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

18-модда. Оиладаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади. Болаларни оилада ўқитиш ва мустақил равишда таълим олиш тегишли таълим муассасаларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Таълим олувчиларга ваколатли давлат муассасалари томонидан услубий, маслаҳат ва бошқа йўсинда ёрдам кўрсатилади.

19-модда. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аккредитация қилинган таълим муассасаларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил равишда билим олган ва аккредитация қилинган таълим муассасаларининг тегишли таълим дастурлари бўйича экстерн тартибида имтиҳонлар топширган шахсларга ҳам берилади, давлат таълим муассасаларида ўқитилиши шарт бўлган ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйиладиган мутахассисликлар бундан мустасно.

Олий маълумот тўғрисидаги дипломга ўзлаштирилган фанлар рўйхати, уларнинг ҳажмлари ва фанларга қўйилган баҳолар ёзилган варақа илова қилинади.

Диссертация ҳимоя қилган шахсларга белгиланган тартибда фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Давлат таълим стандартларига мос келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида ҳар икки томоннинг маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари белгиланган тартибда ўзаро тан олиниши мумкин.

Тегишли босқичдаги таълимни тугалламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат тасдиқлаган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжат навбатдаги босқич таълим муассасаларида таълим олишни давом эттириш ёки тегишли ихтисос бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

20-модда. Таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилаш

Таълим муассасасида таълим олувчилар қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга мувофиқ имтиёзлар, стипендия ва ётоқхонада жой билан таъминланади.

21-модда. Таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Таълим муассасалари ходимларига иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади, ҳақи тўланадиган йиллик узайтирилган таътиллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари иш ҳақига мўлжалланган мавжуд маблағлар доирасида мустақил равишда ставкалар, мансаб окладларига табақалаштирилган устама белгилашга ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг турли шаклларини қўллашга ҳақли.

22-модда. Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш

Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож болалар ва ўсмирларни ўқитиш, уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Болалар ва ўсмирларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан чиқариш ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқувчилари қисман ёки тўла давлат таъминотида бўлади.

24-модда. Ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

IV. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;

таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;

таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

бошқа давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканлигини қайд этиш тартибини белгилаш;

давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;

давлат томонидан тасдиқланган намунадаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;

давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;

таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

26-модда. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доираси

Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;

таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услуб масалаларида уларга раҳбарлик қилиш;

давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар бажарилишини таъминлаш;

ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш;

ўқув ва ўқув-услубият адабиётларини яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;

таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

давлат олий таълим муассасасининг ректорини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

педагог ходимларни тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

27-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

таълим муассасалари фаолиятининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлайдилар;

таълим муассасаларини ташкил этадилар, қайта ташкил этадилар ва тугатадилар (республика тасарруфида бўлган муассасалар бундан мустасно), уларнинг уставларини рўйхатга оладилар;

ўз ҳудудларидаги таълим муассасаларини ваколат доирасида молиялаш миқдорларини ва имтиёзларни белгилайдилар;

таълим сифати ва даражасига, шунингдек педагог ходимларнинг касб фаолиятига бўлган давлат талабларига риоя этилишини таъминлайдилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

28-модда. Таълим муассасасини бошқариш

Таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради.

Таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.

29-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари билан нодавлат таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари нодавлат таълим муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилади.

Нодавлат таълим муассасалари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, аккредитация қилган органлар уларнинг фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Нодавлат таълим муассасаларига қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

30-модда. Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари

Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгардирлар.

31-модда. Таълимни молиялаш

Давлат таълим муассасаларини молиялаш республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

32-модда. Таълимни ривожлантириш фондлари

Таълимни ривожлантириш фондлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

33-модда. Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

34-модда. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1997 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг умумий ўрта таълим олишга, уч йиллик академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида ўқишга ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга тааллуқли 12, 13 ва 14-моддаларидаги қоидалар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган муддатларда жорий этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, қонун ҳужжатлари «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

5. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 342-модда; 1993 йил, № 6, 268-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 август.

САОДАТБАХШ КУНЛАР

(Боши 1-бетда).

телевидение учун давра суҳбати ўтказилиб, ўз дил сўзларини, муаллимларга нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун ҳукуматимизга самимий миннатдорчиликларини билдиришди.

Дарҳақиқат, қайсики замон аҳли илм-маърифатга эътиборли экан, у давр буюклик тимсоли бўлиб келган. Бу маъноли фалсафани ортимизда турган узун тарихимиз таъкидлаб турибди.

РУҲЛАРИМИЗ ҲАВОЛАНДИ

Мана, шу кун кўёш ҳам ҳар қачонгидан юксакроқда. Ҳар қачонгидан ҳам серфайз, сертароват нур сочмоқда. Тошкент шаҳрининг муҳташам «Туркистон» саройи олдида чалинаётган ноғораю сурнай, чилдирмаю карнай садолари узоқ-узоқларгача баралла янгради. Шу маҳал эътибор қилсангиз, юртимиз байроғининг байрамона ҳилпирашини, ундаги ҳилол ва юлдузлар ажиб ҳаракатга келиб, мустақил Ватанни олқишлаётганини сезиш мумкин. Бу ерда кўксини тоғ тутиб, мустақил республикамиз орден ва медалларини тақиб олган кекса ва тажрибали устоз-муаллимлар билан бир қаторда кечагина олийгоҳ аудиториясида диплом ҳимоя этган ёш мутахассис кадрлар дилда бир олам ҳаяжон билан ўтиришибди. Бунда айрим ёш ўқувчиларни учратсангиз, ҳайрон бўлманг. Улар ўтган ўқув йилида чет элларда бўлиб ўтган олимпиадаларда Ўзбекистон обрўсини ҳимоя қилган, унинг шуҳратига шуҳрат қўшиб, Ватанига олтин ва кумуш медаллар билан қайтган тиришқоқ ва меҳнатсевар ёшлардир.

Залда вақтинча бўладиган одатий шивир-шивирлар тинди. Бошловчилар Ўзбекистон телевидениеси сухандонлари Дилором Умарова, Раҳматилла Мирзаевлар йиғилганларни байрам билан қизғин табриклашди. Ўзбекистон мадҳияси янгради. Бу сеҳрли куйга эҳтиром сифатида барча ўрнидан турар экан, бурчак-бурчакда кимларнидир кўзларида қувонч ёшлари қалқиди. Ҳа, бу тантанали йиғилишга халқимизнинг энг олд зиёлилари, заҳматкаш, ҳалол ва фидойи устозлари йиғилишганди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг самимий қутловлар йўғрилган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 сентябрда эълон қилинган «Республикада халқ таълими тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов бир гуруҳ маорифчиларга мамлакатимизнинг олий мукофотларини топширди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев йиғилганларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан табриклар экан, жумладан, шундай гапни айтди:

— Мен дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида бўлдим. Аммо ўқитувчига бўлган бундай кучли эътиборни, таълим ва тарбияга бўлган бу қадар юксак муносабатни шу заминда, мустақил Ватанимиз — Ўзбекистонда кўрдим. Вазирнинг сўзлари энг ҳаққоний ва холис сўз эди.

Тантанали йиғилишда кўплаб ёш авлод тарбиячилари, янада тўғрироғи инсон қалбининг меъморлари сўзга чиқди. Бу минбардан айтилаётган ҳароратли сўзларда ҳам ҳаяжон, ҳам қувонч устивор эди. Тўғри-да, ҳукуматинг сенга шу қадар эътибор бераётган бўлса. Таълим-тарбия ривожини етакчи масалага айланганини кўрганингда, демакки, келажакда мустақил фикрлай оладиган, илмли, иқтидорли, Ватанга муҳаббати ва садоқати кучли, бир сўз билан айтганда, етук мутахассислар авлодининг пайдо бўлишини ўйлаганингда нафақат юрагинг ҳаяжонга тўлади, балки бундан фахрланиш, келажакка ишонч ҳиссини ҳам туясан, киши.

Тантанали йиғилишнинг расмий қисми байрам концертига уланиб кетди. Ўқитувчи ва мураббийлар Ўзбекистон қўшиқ байрами ғолиблари — «Бойчечак» дастаси, хонандалар Санобар Сатторова, Норали Алланазаров, Лариса Москалева, Асадулла Холиқов, таниқли ҳофиз ва хонандалар — Ўлмас Саиджонов, Ғуломжон Ёқубов, Кумуш Раззоқова, Насиба Абдуллаева, Аваз Ражабов, Муяссар Раззоқова, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров бошчилигидаги «Ялла» гуруҳи ижро этган куй ва қўшиқларни тинглаб, ҳордиқ чиқаришди.

Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, А. Муҳиддинов, К. Раҳимов, Б. Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

ТААССУРОТ

Тантанали байрам сўнггида биз бир неча байрам қатнашчиларини суҳбатга тортдик.

М. РАҲМОНОВ, Мирзо Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош директори ўринбосари:

— Мен бугунги тантаналарда иштирок этар эканман, хаёлимдан бир фикр кечди. Илғор тараққиёт сари одимлаётган мамлакатимизда таълим-тарбияга берилаётган бунчалик юксак эътибор эртанги кунимизнинг янада чароғон бўлишига, қолаверса, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган.

С. ЮСУПОВА, Шаҳрисабз тумани «Чарос» болалар боғчаси мудираси:

— Бизнинг пойтахтга қилган ташрифимиз самарали ўтмоқда. Куни кеча Ҳамза номидаги драма театрида «Чимилдиқ» номли қизиқарли спектаклни томоша қилдик, бугун Ўзбекистон телевидениеси учун давра суҳбати ўтказдик. Умуман ўқитувчи-мураббийлар байрамидаги бундай тантаналарнинг ўн етти йиллик ўқитувчилик фаолиятим мобайнида биринчи маротаба шоҳиди бўлиб турибман.

Т. НУРИДДИНОВ, С. Раҳимов туманидаги М. Уйғур номли ўрта мактаб араб тили ўқитувчиси:

— Бугунги кун ҳаётимнинг ўчмас лаҳзалари бўлиб қолади. Сабаби, бугунги тантаналарда кўпчилик ҳамкасбларим қатори менга ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони берилди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Норали ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: байрам лавҳалари.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.



Minnatdorchilik

СЕВИМЛИ УСТОЗ

1 сентябрь ҳали ҳам ёдимда. Отам раҳматли жажжи қўлимдан ушлаб илм маскани — мактаб остонасидан ўтказиб, меҳригиё, севимли ўқитувчи Оқилхон Шарофитдиновга тутқаздилар.

Устозимизнинг бизга берган ўгитларидан бири — Ватанни севиш, уни ёт унсурлардан кўз қорачўғидек сақлаш ва унга фидойи фарзанд бўлиб етишишга ундардилар.

Бизни Алифбодан то Қомусгача танитган улуғ устозимизни умрбод эслайман, ҳеч қачон эсдан чиқармайман. Фашизм билан бўлган 1941—1945 йилдаги даҳшатли уруш фронтларида ҳам ҳеч ёдимдан чиқарган эмасман.

Қўл остимдаги жангчиларга нисбатан (албатта, аввало, ўзингга нисбатан) юқори даражада талабчан бўлишни, шу билан баробар улар устида, уларнинг ота-оналаридек ғамхўр бўлишга ҳаракат қилар эдим.

Оқилхон ота биз ўқувчиларга ўзини синфда, оилада, кўча-кўйда қандай тутиш, дарсга қандай тайёрланиш, қандай муомала қилишни жуда содда тил билан, таъсирчан қилиб тушунтирар эдилар. Бошланғич синфда бирга ўқиган синфдош дўстларимиздан Маъруф Қориев, кейинроқ Мақсуд Қориев, Иброҳим Набиев, Ориф Оқилов, Туроб Тўла, Шоислом Шомансуров, Носир Хўжаев ва Убайдулла Лутфуллаевлар — барчамиз Оқилхон домлада таҳсил кўрганмиз.

Оқилхон ота — меҳрибон ва ғоятда моҳир ўқитувчи, камтарин инсон, ўзи жуда келишган, энгашмасдан тик юрар эди. Бизлар билан ғоятда таъсирчан тилда сўзлашар эдилар.

У умрининг ярим асридан мўлроғини ёш авлодни саводхон қилиш, уларнинг онгига билим асосларини сингдиришдек машаққатли ва шарафли ишга сарфлади. Бизга «Алифбо»ни ўргатган, мустақил мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришда, ёшларимиз онгига миллий ғурур ва истиқлол ғоясини сингдиришга қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари ҳисобга олиниб, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси томонидан шаҳар бошланғич синфининг илғор ўқитувчиларини мукофотлаш учун Оқилхон Шарафитдинов номида кўкрак нишони таъсис этилганлигини эшитиб биз — шогирдлари янада устозимиздан ғурурландик.

Собиржон ОХУНЖОНОВ, генерал-лейтенант.

ҲАЁТИМНИ МИЛЛИЙ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШГА БАҒИШЛАЙМАН

Ўқитувчи модлий жиҳатдан таъминланган ва маънавий жиҳатдан қадр-қиммати юқори бўлса, у ҳеч қачон мактабни тарк этмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўқитувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш бўйича бир неча марта Фармонга имзо чекдилар. Айниқса, Ўқитувчилар кунининг умумхалқ байрами деб эълон қилиниши муаллимлар ва мураббийларнинг жамиятимиз олдидаги обрўсини юксак даражага чиқишига олиб келди. Ҳозирги кунларда бозор иқтисодиёти шароитида яхшироқ кун кечириш мақсадида илм масканларини тарк этган ўқитувчилар яна ўз жойларига қайтиб кетиш йўлларини қидирмоқдалар.

Мен, салкам 40 йиллик меҳнат фаолиятимда ҳали бирор кун ҳам мактаблар ҳаётидан, азиз болажонлардан бирор дақиқа узоқлашган эмасман. Қайси синф дарслиги устида хоҳ муаллиф, хоҳ таржимон бўлиб ўтирмайин, мен ўзимни ўша синфнинг баъзан аълочи, баъзан эса бўш ўзлаштирувчи ўқувчиси сифатида тасаввур қиламан. Шундан бўлса керак табақалашган дарсликларим дунё юзини кўрди — ҳаётга йўлланма олди.

Ҳаёт суқмоқларини мардонавор енгиб ўтган, унинг аччиқ-чучукларини тортган Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг, айниқса инсон психологиясини юксак даражада эгаллаганликлари мени доимо мамнун этади. Юртбошимиз Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида «Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарсликлар яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак», деган эдилар. Мана бугун мен ҳукуматимизнинг юксак фахрий унвони эгасиман. Буни мен Президентимизнинг дарсликлар ёзиш билан машғул бўлган педагог олимларга билдирган жуда катта ғамхўрлигининг тимсоли сифатида кўраман. Узимнинг ақлу-идрокимни, ҳаётимнинг борини миллий дарсликлар яратишга бағишлайман, деб. Юртбошимизга, халқимга ваъда бераман.

Энг аввало шогирдларим, ҳамкасбларим билан мактаблар учун дарсликлар ва уларга кўмаклашувчи қўлланмалар, дидактик материалларни ниҳоясига етказамиз. Кейин булажак ўқитувчилар учун ўқитиш методикаси бўйича дарсликлар яратишга ўтамиз. Қолаверса, жамиятимизни педагогикалаштиришга қаратилган қўлланмалар ёзамиз. Бунинг зарурлиги шундан иборатки, бўлажак мутахассис, у ўқитувчи ё врач, иқтисодчи ё муҳандис бўлишидан қатъи назар одамлар билан ишлайди, улар билан мулоқотда бўлади. У мутахассис педагогикадан етарлича билимга эга бўлмаса, ўз касбида қийинчиликларга учрайди, бу қийинчиликларни енгиш йўлларини топиш маҳоратини эгаллай олмайди.

Катта олимларга қарата айтмоқчиман: келинглар, устозлар, яхши дарсликлар яратиш концепцияларини, уларнинг стандартларини ишлаб чиқайлик ва уларга асосланиб барча ўқув предметлари бўйича миллий дарсликлар тузайлик. Ана шунда бизнинг умримиз бир неча марта узаяди. Чунки биз яратган дарсликлар худди боғ-роғларимиз, иморатларимиз, фарзандларимиз каби биздан кейин узоқ йиллар яшайди, бизнинг руҳимизни шод этиб туради.

Жўрабой ИКРОМОВ, педагогика фанлари доктори, профессор.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** Жўрабой ака «Халқ таълими» журналига ҳам бош муҳаррирлик қилмоқдалар. Ҳамкасб-устознинг барча ишларига муваффақият тилаб, ул зотни «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан қутлаймиз.*

Bolalar bog'chalarida

ШИРИНТОЙЛАР ТУҲФАСИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 233-«Мойчечак» болалар боғчасининг жажжи тарбияланувчилари устозлар байрамини узига хос тарзда кутиб оляптилар.

— Аввалги йилларда, — деди болалар боғчаси бош тарбиячиси Ҳамида Қурбонова, — олтин куз фаслида «Меҳржон» ҳосил байрамига бағишлаб эрталик утказардик. Бу йил эса қўш байрам — «Меҳржон» билан бирга устозлар, мураббийлар айёмини нишонлаётирмиз. Кичкинтойларимиз байрам эрталигини интиқлик билан кутмоқдалар.

Тайёрлов ва катта гуруҳларда тарбияланаётган болажонлар мусиқа раҳбарлари Азиза Фозилова ҳамда Феруза Акрамовалар бошчилигида «Боғчамиз», «Ёмғир», «Куз» қушиқлари, «Қизгина», «Ҳа, уйна-уйна» лапарлари ҳамда устоз ва мураббийларни улуғловчи шеър ва ашулалар урганмоқдалар. Ширинтойлар тез айтиш ва топишмоқ топишда ҳам фаоллик кўрсатяптилар.

Олтин куз фаслида турли хил мева ва сабзавотлар ғарқ пишган, далаларда эса оппоқ пахталар чаман бўлиб очилган. Ана шу манзаралар акс этган «Ҳосилингни йиғиб ол» ҳаракатли ўйин кичкинтойлар учун жуда қизиқарли бўлмоқда. Унда болалар эпчиллик, чаққонлик, санаш, мева ва сабзавотларни турларга ажратишни урганадилар.

Ҳа, дилбандларимиз улуғ айём — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини ана шундай шоду хуррамлик, шодиёналик билан кутиб олмоқдалар.

Дилбар ХЎЖАЕВА.

ШОДИЁНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўқитувчилар куни муносабати билан Самарқанд вилоятида тантанали байрам дастури ўтказилди. Унда иштирок этган Президент девони масъул ходими А.Маматов Президентимиз Фармонини ўқиб эшиттирди. Самарқанд вилояти ҳокими А.Мардиев, Давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимларга Президент номидан мукофотларини топширди. Вилоят ҳокимлиги номидан эса 3 нафар маорифчини фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Бир гуруҳ фидойи мураббийларга вилоят ХТБнинг кўкрак нишонлари топширилди. Сўнгра халқ таълими оқсоқолларидан 5 нафарига тўн, 5 онахонга атлас ҳадя этилди.

Тантананинг бадиий қисми концерт дастурининг мароқли ўтишида халқ таълими тизимидаги бадиий жамоалар, шунингдек хушовоз хонанда София Сафтарова беминнат хизмат кўрсатишди.

Байрамда ҳунар-техника билим юртлари маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам ўтказилди. Бугун 25 нафар фахрийларнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олиш уюштирилади. Туман ҳокимликларида эса махсус қабуллар уюштирилиб, устозларга ҳурмат кўрсатилмоқда.

ЎРТАДА ЧЕКСИЗ ҲУРМАТ БОР

(Боши 1-бетда).

Яхши сўзларни муаллимларимдан эшитганман.

Ҳусанбек Ибодов, Йўлдош Абдуллаев, Акрам ака, Ҳоким ака, Рисолат опа, Александр Исаакович Резидор...

Кўзларга тўтиёдай малҳам бўлгувчи сўз, илму дониш, рафтору равиш эгалари... Исаак бобо «летс гоу» деб айтолмасак, ҳадеганда, юз-минг ўргатганда ҳам тилимиз бу мушкулписанд инглиз ургуси ва талаффузига келиша қолмаса, пешонамизга бўр билан чизиб қўярди. Биз индамай бўйнимизни эгиб турардик.

Ўзимизни ҳам, пешонамизни ҳам бу чизонғич бўрдан олиб қочмасдик. Лекин у мабодо унинг талаффузидай талаффуз қила қўйсак, қария устозимизнинг серажин юзида шундай гўзал ва ёқимли табассум, мамнуният ва ифтихор пайдо бўлар эдики, гўё жондан азиз фарзанди учун кувонарди. Биз чиндан ҳам, унинг жондан азиз фарзандлари эдик. Бизнинг нодонликларимизни донолик сари бурарди, бизнинг ҳеч тугамас шўхликларимизни кечирарди.

Унинг саботи туганмас эди.

Ўқитувчи ким?

Ўқитувчи саботдан таркиб топган. Сабот тўқимаси.

Сабот билан ҳолва яратади.

Баъзан одамнинг хаёлига ғалати фикрлар келади.

Ҳалимжон айтди: домлаларимизни эслаб турайлик...

Унинг гапини ўйлаб уйга қайтаётиб хаёлимга «ш» ҳарфи билан «р» ҳарфи орасида ҳеч қачон охирига етиб бўлмайдиган чексизлик бор, деган фикр келди. Билмайман недан?

Кейин билсам, бу «ШУУР»деган сўз экан. Мана шу. Икки ҳарфнинг орасида чексизлик. Ўқитувчиларимиз, муаллимларимиз, домлаларимиз ўз билимлари, маҳоратлари, орзуларини мана шу чексизлик марказига ташлайдилар. Уни илму ахлоқ, хулқлар тарбияси билан тўлдиришга интиладилар.

Улар бизнинг ШУУРимизни вояга етказадилар. ШУУРИМИЗГА ишлов берадилар. ШУУРИМИЗНИ сайқаллайдилар.

Университетда бизга илм берган азиз домлаларим Субутой Долимов, Ғулом Каримов, Турсун Иброҳимов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Аюб ва Ёқуб Ғуломларнинг бизга қилган барча яхшиликларини айтиб адо қилиб бўлмайди. Улар бизнинг ёш шууримизни бойитиш, шууримизни ярақлатиш, шууримизни ҳаёт синовлари қошида енгилмас қилиш учун тер тўкдилар. Унутиб бўладими буни!

Дунёнинг шуури ўқитувчи, мамлакатнинг шуури — ўқитувчи.

Ўқитувчимиз қандай бўлса, биз шундаймиз. Шууримиз шундай.

КЕЛАЖАКНИНГ ОЙНАСИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқи олий ўқув юртлари, таълим-тарбия муассасалари, мактаб педагогик жамоаларида батафсил ўрганилмоқда.

Маънавий етук инсонларни тарбиялаб етиштириш мамлакатимиз мустақиллигининг мустаҳкамлигини, иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминловчи омил сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги Ш. Ғуломов номидаги 114-мактабда бўлиб ўтган педагогик жамоа йиғилиши ҳам Президентимиз нутқида кўтарилган мавзуга бағишланди.

Йиғилиш иштирокчилари ўқувчилар тарбияси, таълим муаммолари, замон талабига мос дарсликларни танлаш, фойдаланиш, педагогик кадрларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикрлар алмашишди. Мактаб жамоасининг яқин келажақдаги иш режалари белгилаб олинди.

Ўлмасхон ҚАҲҲОРОВА, шу мактаб ўқитувчиси.

UZMACOM

уяли алоқа тармоғи

Бу —

исталган пайтда, ҳар қандай вазиятда, Ер шарининг ҳар қандай нуқтасидан туриб кўнглингиз тусаган кишингиз билан гаплашиш имконидир.

UZMACOM

Бу —

GSM типидаги энг самарали, ишончли шерик, жаҳон андозаси даражасида хизмат кўрсатиш маданиятидир.

UZMACOM

Бу —

инсон тафаккурининг XXI аср бўсағасидаги ноёб мўъжизаси, илмий изланишлар самарасидир.

Болаликдаги мурғак тасаввурнинг тафаккур гулшанига айланишида, бизга, сизга, барчамизга илк бор алифбодан, одобу ахлоқдан сабоқ берган устозлар — ўқитувчиларнинг меҳнати, айниқса, юксак ва шарафлидир.

UZMACOM

қўшма корхонаси

жамоаси барча устозларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни айёми билан самимий муборакбод этади. Барчангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни билимли, зукко, комил инсонлар қилиб тарбиялашдаги машаққатли касбингизга Оллоҳ таолодан файзу барака тилаб қоламиз.

Манзилимиз: Тошкент ш. 700043. Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 8.
Тел: (8-3712) 45-12-55, 45-23-50, 8(2)1000016, 8(2)1000015.

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Алишер Навоий.

Инсон маънавий комиллиги булоғи, қадим-қадимдан илм-маърифат бобида Марказий Осиё халқларининг таянч нуқтаси саналган Ўзбекистон бугун мустақиллик боис жаҳонга қайта юз тутди. Ер юзи халқлари эса бу сервиқор мамлакатни қайта «кашф» этди.

Дейдилар ки: етук сиймолардан муқаддас кашфиётлар келади.

Ватан озодлиги — бу йўлдаги кашфиётларнинг энг юксагидир. Юксак ғояларни онгимизда камолга етишида эса устозлар меҳнати мужассам.

Биз — Алишер Навоий номидаги қишлоқ хўжалик халқ корпорацияси жамоаси Ўзбекистондаги барча ўқитувчи-устозларни касб байрамлари — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этамиз!

Барчангизнинг хонадонингизга Буюк Оллоҳдан файзу барака, ҳар бирингизга тан-сиҳатлик, хотиржамлик, узоқ умр тилаб қоламиз!

Тошкент вилояти,
Қуйи Чирчиқ тумани.

БИР ЧИМДИМ ҚУВОНЧ

Меҳр нури ёғар доим,
Юзингиздан устозлар.
Юрсам, дейман бу табаррук
Изингиздан устозлар.

Дилбар қўшиқ киши дилига ҳузур бағишлайди. Қўшиқ қанотида гўёки қушдек олис-олис маъволарда парвоз қиласиз, ёқимли куй сеҳридан маст бўласиз. Бу дилбар қўшиқ санъаткор тилидан эмас, саховатли она замин бағридан отилиб чиқаётгандек туюлаверади.

Ҳаёт сўқмоқлари ҳадсиз бўлгани каби, унга бошловчи устозлар ҳам кўпдир. Лекин илк бор ҳарф ўргатиб, илк тетапоя қадамингга таянч бўлган киши — муаллимни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Аслида устоз, бу илмнинг сўнгсиз, уфқсиз уммони томон етакловчи киши. Таъбир жоиз бўлса, муаллим меҳнатини тонна-тонналаб маъданлар орасидан қазиб олинган мисқол олтинга ўхшатгим келади. Пойтахтимиздаги Муҳаббат Назирова номидаги 70-ўрта мактабда ҳам меҳри дарё ўқитувчилар кўпчиликни ташкил этади.

Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами куни ушбу зиё маскани узоқ-яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум бўлди. Байрам муносабати билан бу ерга бир гуруҳ фахрий муаллимлар таклиф этилди. Бир пиёла чойу ўзбекона ош устида ўтган кунлар эсланиб, чигиллар ёзилди. Қизиқ воқеалар яна бир карра ёдга олинди.

Кеча сўнгида зиё маскани ўқувчилари томонидан ижро этилган дилрабо қўшиқ ва ўйноқи рақслар йиғилганларга ҳузур бағишлади.

Хуллас, шу тадбир баҳона юзлаб фахрий педагоглар яйрашди, ўйнаб-кулишди, хурсандчилик қилишди. Лекин шуниси ҳам борки, ўзбекнинг, барибир, яхши кунлари, эзгу ниятлари жуда кўп. Фахрий устозларимиз ҳам ушбу байрамни эслаб қолишса, бир чимдимгина бўлса-да, улашилган қайноқ меҳр баҳона юракларига илиқлик югурганлиги рост бўлса, ажаб эмас. Биз ҳам устозларга соғлик, омонлик, шогирдлар камолини кўриш бахти насиб этсин, деб ният қилдик.

Улуғбек АКТАМОВ.

СУРАТДА: зиё маскани ўқитувчилари жамоаси.
Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЭЛ ЭЪЗОЗИ

Халқимизда «Устоз — отангдан улуғ» деган нақл бор. Самарқанд шаҳрининг Сиёб туманидаги Юсуф Харрат маҳалласида истиқомат қилувчи ёшлар мураббийси Шаҳоб Ҳамроқуловнинг мустақиллигимиз олти йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвони билан тақдирланишига бағишланган тантанали маросим катта шодиёнага айлангани халқ эъзозини яққол кўрсатди.

Шаҳоб Ҳамроқулов кўп йиллардан буён вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги шахмат-шашка бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фидокорона меҳнат қилиб, кўплаб иқтидорли ёшларни тарбиялади. Унинг шогирдлари республика ва вилоят мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келишаётир.

Тантанали маросимда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгаши раис ўринбосари, «Республикада хизмат кўрсатган спорт устози» Мамажон Аҳмедов ёшлар мураббийсини юксак ҳукумат мукофоти билан қутлади ва унга вилоят халқ таълими бошқармаси номидан қимматбаҳо совға ҳамда табрикномани, шунингдек спорт жамияти туҳфаларини топширди.

Маҳалла йиғини оқсоқоли Қодир Раҳимов Шаҳоб Ҳамроқулов оиласи ҳақида илиқ сўзларни айтди:

— Шаҳобжонлар оиласига ҳамма ҳавас қилади. Онаси Сабоҳат опа Ғиёсова ҳам, турмуш ўртоғи Ҳабиба Иноятова ҳам маҳалла хотин-қизлар кенгаши ишларида фаол қатнашиб келишаётир. Фарзандлари ахлоқу одобда кўпчиликка намуна.

Тантанали маросимда маҳалладошлар номидан сўзга чиққан Муҳаммади Оллобердиев, Мурод Мансуров, Тўрақул Маматқуловлар халқ таълими жонкуяри Шаҳоб Ҳамроқуловни юксак унвон билан самимий қутлаб, келгусидаги ишларига ривож тилашди. Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами арафасидаги маҳалладошлар йиғинидан барча мамнун бўлди.

Ғафур МИРЗО.

Hay'at yig'ilishida

МАЪНАВИЯТ — БОШ МАСАЛА

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида «Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак?» дея таъкидлаганларида, халқ таълими ходимлари бу йўналишда катта вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишлари лозимлигини уқтириб ўтганди. Дарҳақиқат, юксак маънавиятли инсонларни тарбиялашга киришмай туриб, келажак сари хотиржам қадам ташлашга ҳаққимиз йўқ.

Келажак учун юксак маънавиятли, баркамол инсонларни тайёрлаб берадиган асосий тарбия ўчоқларидан бири эса, шубҳасиз мактабдир.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат мажлисида ҳам бу масалалага алоҳида урғу бериб қаралгани бежиз эмас. Йиғилишда «Наманган вилояти халқ таълими муассасаларида «Маънавият ва маърифат» йўналишидаги ишларнинг аҳволи ҳамда истиқболлари» атрофлича муҳокама қилинди. Худди шу мавзуда Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Убайдуллаев ахбороти эшитилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Наманган вилояти халқ таълими тизимида ёшларимизда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маънавий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Аммо, шу билан бирга бу борада вилоят халқ таълими муассасаларида бажарилиши лозим бўлган ишлар, камчиликлар ҳам мавжуд эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, вилоятда ўқувчиларни турли экскурсияларга жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Вилоятда спортни ривожлантириш, уларнинг моддий базасини яхшилаш, спорт майдончалари билан таъминлаш талаб даражасида эмас.

Ҳайъат йиғилиши ушбу вилоят халқ таълими муассасаларида амалга оширилаётган маънавий ва маърифий йўналишдаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиб, қарор қабул қилди.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабнинг ўлкашунослик «Халқ музейи»да олиб борилаётган ижобий иш тажрибасини, шунингдек, бошқа илғор иш тажрибаларини кенг тарғиб этиш, саёҳат ва экскурсиялар графиги режасини шартнома асосида тузиш, жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътиборни қаратиш, таълим муассасалари кутубхоналарини бадиий адабиётлар билан бойитиш, ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг олдини олиш борасида турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, кутубхоначилар, болалар етакчиси, «Одобнома» фани ўқитувчилари, маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг малакасини ошириш режасини қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида Республика таълим маркази, ЎзПФИТИ, ХТВ Маънавият ва қўшимча таълим бошқармасига ҳам таълим муассасаларида маънавият ҳамда маърифат ишларини янада юксалтириш бўйича топшириқлар берилди.

И. БЎРИБОЕВ.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 1-мактаб муаллимаси К.Вакилова бир неча йиллардан бери ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келади. У киши ўз касбини, ўз фанини яхши билгани ва севгани боис жамоада ҳамда шогирдлари даврасида ўз ўрни ва ҳурмати бор. Шу боис ҳам бу изланувчан муаллима яқинда 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланди. Шу кунларда муаллима байрамона кайфият билан шогирдларига ўз фанидан сабоқ бермоқда.

СУРАТДА: Карима Вакилова шогирдлари даврасида.

Суратқаш Д. АҲМАД.

Hunar ta'limi: bugunva ertaga

КУЗ ФАСЛИДА БАҲОР ЭПКИНИ

Андижон вилоятида яна бир йирик илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди

Мана, саховатли сентябрь ойи ҳам охирлади. Боғ-роғларга, дала-даштларга хазонрез айёми кириб келди. Бироқ мустақил юртимиз ҳар соҳада баҳор нафасини туйиб турибди, десак муболаға бўлмас. Зеро, қай бир жабҳага назар солмайлик янгиланиш, ўзгариш, поклaниш йўлига чоғланганини пайқаймиз. Хусусан, таълим тизимини олайлик. Бу тизим ходимлари мустақиллик ўз елкаларига ислоҳотларнинг энг масъулиятли вазифаларини юклаганини очиқ-ойдин ҳис этиб турибдилар. Шу сабаб ҳам улар давр билан ёнма-ён одимлашга интилишаётир. Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий натижа бериши учун астойдил жон куйдиришмоқда. Мана, куни кеча Андижон вилоятида бўлиб ўтган ҳунар таълими ходимларининг илмий-амалий анжумани бунга яққол мисолдир. Бу йирик анжуман ҳурматли юртбошимиз И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда **«Касб-ҳунар ўқув муассасалари учун таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишнинг ўқув-методик таъминоти муаммолари»** мавзусида бўлиб ўтди.

Хўш, мазкур илмий-амалий конференциянинг ўзига хос томонлари нималардан иборат? Ўзига хослик аввало унинг давр руҳига мослигида кўринади. Сўнгра, бу анжуман тор маҳаллий доирадагина ўтиб қолмай, балки унга қўшни мустақил давлатлардан, хусусан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан вакиллар қатнашишди. Ҳунар таълими борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Анжуманнинг яна бир ўзига хослиги шунда бўлдики, у ғоят жонли ўтди. Унинг қатнашчилари жойларга чиқиб Андижон вилоятидаги кўпгина касб-ҳунар мактабларидаги ҳаёт билан яқиндан танишишди. Бу танишув ҳар бир ҳунар таълими ходими учун чуқур таассурот ва сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Анжуман ишига Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини Х. Маъсудов, ХТВ Ҳунар таълими бош бошқармаси бошлиғи Ў. Рауфов, Андижон вилояти халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ж. Халиловлар бош-қош бўлиб туришди. Илмий-амалий анжуман серфайз ва сермазмун руҳда икки кун давом этди.

Бизнинг суҳбат

ҲУНАР ТАЪЛИМИ НИМАЛАРНИ КУТМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳунар таълими илмий тадқиқот институти директори, илмий-амалий анжуманнинг фаол қатнашчиси Ҳ. Рашидов билан дилдан суҳбат

— Ҳикматилла Фатҳуллаевич, ҳукуматимизнинг ҳунар таълимига бераётган эътиборини қандай шарҳлаган бўлардингиз?

— Мустақил Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришганига 6 йил тўлди. Шу қисқа давр ичида мамлакатимиз катта иқтисодий-ижтимоий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жамиятда бўлиб ўтаётган тарихий ўзгаришлар таълим тизимида ҳам рўй берди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қанча қонунлар ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва улар ҳаётга изчиллик билан тадбиқ қилинмоқда. 1997 йил 28 августда бўлиб ўтган мамлакатимиз Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида яна бир муҳим ҳужжат — «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» қабул қилинди. Йўлбошимизнинг ана шу сессияда сўзлаган нутқида таълимни ривожлантиришга, хусусан таълим стандартларини яратишга алоҳида аҳамият бериб, шундай деди: **«...маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади, деган қатор масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу асосда оптимал давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурияти пайдо бўлади. Мазкур ишларга мамлакатимизнинг йирик олимларини, тажрибали, юқори малакали амалиётчи ўқитувчилар, хорижий экспертларни, кенг жалб этиш лозим».**

«Миллий дастур»да қўйилган вазифалар таълим тизими, жумладан, ҳунар таълими олдига жуда муҳим ислоҳий ўзгаришлар қилиш лозимлигини белгилаб берди.

— Ўзбекистонда таълим тизимини стандартлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августда қабул қилган 406-сонли «Таълимнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ва уларни тадбиқ этиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган тадбирларга асосан бошланган. Ўтган 4 йил давр тинимсиз илмий-услубий изланишлар даври бўлди. Халқ таълими вазирлиги ва ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқишга мутасадди ташкилот бўлиб ҳисобланган ҳунар таълими илмий тадқиқот институти ходимлари олдида таълим стандартларининг тизимини, мазмунини, уларни яратишнинг методологиясини аниқлаш каби муаммолар туради.

Илмий-назарий изланишларнинг МДҲ ва хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш натижаларининг бош хулосаси шундан иборат бўлдики, бошқа мамлакатлар ҳунар-таълими ва тизимини шундайлигича кўчириб бўлмасди. Негаки, таълим тизимининг стандартларини ҳам Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий тизими талабларига мос равишда, унинг миллий ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим эди.

Изланишлар натижалари асосида соҳанинг етакчи мутахассислари, амалиётчилар иштирокида олиб борилган мунозаралар асосида ҳунар таълими стандартлари тизимининг мақбул модели яратилди.

Тизимга кирувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуаси рўйхати аниқланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳунар таълими стандартлари узлуксиз таълим тизимининг бошқа босқичлари стандартларидан ўзининг бирмунча мураккаблиги ва кўламининг улканлиги билан фарқ қилади. Бунинг асосий омиллари қуйидагилардир:

— касб ҳунарларнинг кўплиги ва уларнинг хилма-хиллиги (вазирлик тасдиқлаган рўйхат бўйича 205 та интеграллашган қўшма касблар 2 тадан 8 тагача мутахассисликни ўз ичига олади);

— рўйхатдаги ҳар бир касб-ҳунарга ўргатиш ўқув режаларига ўрта ҳисобда 4-5 та махсус фанлар киради (умумтаълим предметлари бундан мустасно);

— ҳар бир касб ҳунарга тайёрлашга қўйиладиган талаблар шу соҳага тегишли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида қўлланиладиган техника ва технологик жараёнлар талабларига мос равишда тузилиши лозим. Бу омил ҳунар таълим стандартларини яратиш жараёнига жалб қилинадиган мутахассислар доирасининг қанчалик кенг бўлишлигини белгилайди;

— ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш жараёни камида 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатда тажриба-синов ишлари олиб боришни талаб этади. (1-тўлиқ таълим цикли тугагунича).

Стандартларни ишлаб чиқиш тизими ва уларнинг тузилишини акс эттирувчи таянч ҳужжати сифатида «Асосий қоидалар» стандарти ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Таълим стандартларини расмийлаштиришнинг ягона шакли, уларни ҳужжат сифатида расмийлаштириш қоидалари 406-қарорда аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли институтимиз бу муаммони Ўздавстандарт ташкилоти ва унинг илмий тадқиқот институти орқали ҳал қилмоқда. Натижада ҳунар таълими стандартларининг ягона рўйхат сони қабул қилиниб «Асосий қоидалар» таянч стандарти тармоқ стандарти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Стандарт лойиҳаларини тегишли стандартлар талабига мослаштиришда стандартлаштириш илмий тадқиқот институти мутахассислари проф. М. Мирағзамов ва доц. О. Каримовлар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

— Назарий томондан ишлаб чиқилган таълим стандартларини амалда синаб кўриш учун қандай чора-тадбирлар кўрилади?

— Юқорида айтганимиздек, таълим стандартлари педагогик тажрибасинов ишлари ўтказиш орқалигина ўзининг энг мақбул мазмунига эришиши мумкин. Шуларни эътиборга олиб, республика ҳудудларида 30 дан ортиқ тажриба-синов майдонлари ташкил этилган. Ҳар бир тажриба-синов олиб бораётган ўқув юртлари бўйича стандарт лойиҳаларида берилган таянч ўқув режасига асосан экспериментал ишчи ўқув режаси ишлаб чиқилган. Бу ўқув юртлари билан институт орасида ҳамкорлик шартномалари, эксперимент режа-дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, институт ва билим юртидан синов ўтказувчи (экспериментатор) мутахассислар белгиланган.

Ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқиш мураккаб ва сермеҳнат жараён. Юқорида кўрсатилган рўйхатдаги касб-ҳунарлар стандартларини ишлаб чиқиб, тажриба-синов ишларини олиб бориш институт жамоаси кучи билангина амалга оширилиши бу жараённинг кўп муддатга чўзилиб кетишига олиб келади. Шуни эътиборга олиб вазир муовини Х. Маъсудовнинг ҳомийлиги остида республика вилоятларидаги илғор ҳунар билим юртларининг тажрибали муҳандис-педагог ходимлари жалб қилинган. Тажрибаларнинг кўрсатишича, стандартлаштириш жараёнига амалиётчиларнинг жалб қилиниши бир қанча ижобий натижаларга олиб келмоқда. Масалан, стандарт мазмуни бўйича иш олиб бораётган ўқитувчи ёки методист йўналтирилган изланиш олиб бориши натижасида унинг малакаси ошиши кузатилмоқда. Ундан ташқари стандарт лойиҳалари бўйича тажриба-синов ишлари олиб бориш унинг моҳияти билан таниш бўлган ўқув юртларида осонроқ кечмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳунар таълими жараёнини стандартлар асосида ташкил қилиш, стандартларни барча ўқув юртларига тадбиқ қилиш давр талаби ва таълим мазмунини белгиловчи асосий мезондир. Бу мезонни белгилаб беришни ҳунар таълими сабрсизлик билан кутмоқда.

Сўз анжуман қатнашчиларига

«АҲИЛЛИГИНГИЗДАН ҚУВОНДИМ»

И. СМИРНОВ,
Россия ҳунар академияси президенти:

— Муаммоларнинг ватани бўлмайди. Бугун сизларни ташвишлантириб, фаолликка ундаб турган долзарб вазифалар биз россиялик ҳунар таълими ходимлари олдида ҳам кўндаланг турибди. Аммо уларни ҳал этиш ҳар ерда ҳар хил кечади. Хусусан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз ўз олдиларидаги муаммоларни тез орада муваффақиятли ҳал этишларига ишончим яна бир карра ошди. Чунки сизларда илмий потенциал хийла юқори. Энг муҳими, ўзаро баҳамжиҳат, бамаслаҳат меҳнат қилаяпсизлар. Сизлардаги бундай аҳилликни кўриб қувондим. Ушбу илмий-амалий анжуманда қатнашиб ўзаро фикр алмашганимдан хурсандман.

«КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС»

Ю. МАҲМУДОВ,
педагогика фанлари доктори:

— Ҳунар таълими — мураккаб таълим. У кўпроқ кенгашиб, фикр алмашишни, керак бўлса, баҳс-мунозара юритишни талаб этади. Андижон вилоятида ўтган илмий-амалий анжуман ана шу жиҳатлари билан диққат-эътиборга сазовордир. Зеро, халқимизда: «Кенгашли тўй тарқамас» деган ҳикматли гап бор. Очиқ гап, биз бу анжуманга кўпроқ ўргатиш учун эмас, кўпроқ ўрганиш учун келганмиз. Ҳамкасб дўстлар билан норасмий, жонли суҳбатлардан ўзим учун керакли анчагина масалаларни ўргандим.

«МЕЗБОНЛИГИМДАН ХУРСАНДМАН»

О. БЎТАЕВ,
Андижон ХТБнинг ҳунар-техника таълими бўлими бошлиғи:

— Бизнинг Андижон вилоятида бир неча нуфузли анжуманлар ўтказилди. Айниқса, бу галгиси ўзгача бир руҳ, ўзгача бир файз билан ўтди. Анжуман қатнашчилари вилоятимиздаги касб-ҳунар мактабларини бориб кўришганидан кўнглим тоғдай ўсди. Шундай сермазмун, сермаҳсул анжуманга мезбонлик қилиб турганимдан хурсандман. Қолаверса, шу баҳона биз ўз ютуқ ва камчиликларимизни яна бир карра ойнага солиб олдик. Бу янада фаолроқ меҳнат қилишимизга ундайди.

Луқмон БЎРИЕВ тайёрлади.

ТАЪЗИМ

Бугун сизга ташаккур битар
Сиз қўлимга тутқазган қалам.
Дилнинг гўзал изҳорларидан
Ёришиблар кетади олам.

Биринчи бор меҳрингиз туйдим
Қадам қўйиб мактаб бағрига.
Ўтқаздингиз илм дарахтин
Машаққат-ла менинг қалбимга

Сўзларингиз индирди дилга
Бағри кенглик, меҳру шафқатни
Ўргатдингиз оғир дамларда
Чидамоқни, сабру тоқатни.

Бугун Сизга тилаклар айтай
Қабул қилинг кўнгил туҳфасин
«Устоз!» Безаб турар исмингиз
Қалб дафтарин илк саҳифасин.

Гулчехра ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактаб 9-синф ўқувчилари номидан.

«ИСТИҚБОЛ»НИНГ ИСТИҚБОЛИ

Minnatdorchilik

Мен Марғилондаги «Истиқбол» гимназиясида олти йил таҳсил олдим. Ҳозирда Фарғона давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси қуллиёти талабасиман. Ушбу йил гимназиянинг 11-«А» синфини 20 нафар ўқувчи тамомлагандик. Айни дамда 17 нафаримиз турли ўқув даргоҳлари талабалари сафидамиз. Бу, албатта, катта ютуқ. Бу ютуқ эса энг аввало «Истиқбол»даги азиз устозларнинг чинакам меҳнатлари самарасидир. Шундай экан, Музаффар Саидумаров бошлиқ гимназия жамоасидаги устозларимизга ҳар қанча раҳмат айтсак оз.

Миннатдор шогирдларингизнинг самимий байрам табригини қабул айланг, муҳтарам устозлар!

Маъсума ҒАНИЕВА.

УМР — ЎТГАН КУНЛАР ЭМАС...

(Ҳикматлар)

Биз учун, эришилган настарин мақсадлардан кўра, амалга ошмаган бўлса-да, юксак мақсадлар ардоқлироқдир.

Фойдасиз умр — бемаҳал ажал...

В. ГЁТЕ.

Умр — ўтган кунлар эмас, ёдда қолган кунлардир.

П. ПАВЛЕНКО.

Ақлли бўлгинг келса, оқилона сўрашни, диққат билан тинглашни, осойишта жавоб беришни ва айтар сўзинг тугаганда гапдан тўхташни ўрган.

И. ЛАФАТЕР.

Ақл одамга бемаъни яшаётганини кўриб туриши учун эмас, оқилона яшаши учун берилган.

В. БЕЛИНСКИЙ.

Тўпловчи А. АЛИЕВ.

ҚУТЛОВ

Мирзо Улуғбек туманидаги 308-мактабнинг муҳтарам ўқитувчилари жамоаси! Азиз устозлар! Сизларни «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» — умумхалқ байрами билан чин қалбдан қутлаймиз! Ҳамиша ишларингизда зафар ёр бўлсин!

2-«Б» синф ўқувчилари ота-оналари.

Меҳри дилимизда чироқдек қолган азиз устозлар — Тошкентдаги 105-мактаб директори Мавлуда Ғофурова, Дилфуза Ғаниева, ва Инобат Йўлдошева! Сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз! Фарзандларимиз кўзига нур, онгига шуур беришдек улуғ ишингизга муваффақият тилаймиз! Умрингиз ўзингиз берган сабоқдек сермазмун бўлишига тилакдошмиз.

Ота-оналар жамоаси номидан Шоҳиста УБАЙДУЛЛАЕВА.

НЕМИС ХАНДАЛАРИ

— Биласанми, менинг кучукчам ҳисоб ишларини бажара олади?

— Ҳа, биламан, бу ҳақда менинг кучукчам гапириб берган эди.

***

Ўқитувчи ўқувчилардан сўради:

— Қайси тирик мавжудотлар ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай олади?

— Матрослар! — жавоб берди Марк.

***

Марко муаллимидан сўради:

— Айтинг-чи, одамни қилмаган иши учун ҳам жазолашадими?

— Йўқ, жазолашмайди, — деди ўқитувчи.

— Жуда соз, — хурсанд бўлди Марко. — Бугун мен уй вазифаларимни бажарганим йўқ.

***

Ўқувчилар ялқовлик ҳақида иншо ёзишлари керак эди. Отто биринчи бўлиб ўз иншосини ёзиб тугатди. У икки бетни бўш қолдириб, учинчи бетга қуйидаги сўзларни ёзди: «Мана бу — дангасаликдир!»

***

— Манне, бугун соат 17 да учрашамизми?

— Хўп бўлади, Мони, сен қачон келасан?

Таржимон Қурбонбой ЖЎРАХОЛОВ,
Пахтачи туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси.

ОТАМНИНГ ФАЛСАФАСИ

(Воқеий ҳикоя)

Ҳаёт ширин, ҳаёт гўзал, шу билан бирга ҳаёт аччиқ, ҳаёт шафқатсиз.

Ҳар бозорга борганимда болаларга ерёнғоқ, макка бодроқ ёки ўзимга бирор пачка сигарет олмоқчи бўлсам, ўша таниш аёлдан харид қиламан. У савдо расталарининг охиридаги ялангликда ўтиради. Ёзнинг иссиғида терлаб, қишнинг изғиринли кунларида қунишиб ўтирса-да, жойини ҳеч ўзгартирмайди. Салқин, пана жойларнинг эса эгалари бор. Қоғозга ёйиб қўйган нарсалари ҳам кўп эмас: сигарет, ерёнғоқ, макка бодроқ, писта холос.

Ён-атрофидаги ёймачиларникига қараганда, бунiки жуда ғариб. Тирикчилигидан ортмаяпти ёки харжи кам бўлса керак. Ёши унчалик катта бўлмаса ҳам қаримсиқ кўринади. Хўжалиги оғир эканлигини устидаги одми кийимидан ҳам билиш мумкин. Бошқаларга ўхшаб, ўз молини мақтаб харидорларни чақирмайди. Фақат мунгли кўзларидан «Мендан ҳам ул-бул олинг», деган илтижони уқиб олса бўлади. Тўғрисини айтсам, шу аёлга жуда раҳмим келди. Харидорга сўзсиз ялинаётганини умидли кўзларидан сезаман.

...Аёлнинг нарсаларидан олиб, пулини сўрадим. Ажабо, расталарни молларга тўлдириб ўтирганларникидан сал арзонроқ. Айтганидан кўпроқ пул бердим. Қайтимини беришга шошилди. «Ошиқкамини янаги ҳафта ҳисобкитоб қилаверасиз, опа, ҳеч ҳижолат бўлманг», дедим-да, узоқлашдим. Қайтим узатган қўли муаллақ қолаверди. Ҳар ҳафта шу ҳолат такрорланар эди. Бу ишимдан таажжубга тушган аёл эса ҳайрон қолганича орқамдан кузатиб қолаверарди...

Ҳамон эсимда. Бир куни отам бозордан шира босиб кетган узум олиб келди. Мен ҳайрон бўлдим. Ахир, уйимизда узумларнинг шу хилидан борку. Бошмалдоқдай-бошмалдоқдай келадиган ҳусайни узумларимиз бор бўлиб, сифатсиз, еб бўлмайдиган узумни олиб келишларининг сабабини сўрадим. «Бозорга ҳар ким турли мақсад ва умидлар билан келади. Ноилож-ликдан келаётганлар ҳам бор. Қарасам, биттаси шуни олиб ўтирибди. Моли бозорбоп эмаслигини ўша бечоранинг ўзи ҳам билади. Нима қилсин, зарурки, олиб келган, ноумид шайтон. Кимдир ҳожатини чиқариши керак-ку, ахир. Ким билади, сенга ўхшаган бирорта ўғлига зарур нарса олиб бермоқчи бўлгану қўли калталик қилиб қолгандир. Шундайларни ҳожатини чиқарсанг, мабодо қимматроқ олсанг, савоби катта бўлади, ўғлим» деган эди.

Аслида, ўз уйида бор бўлиб шу нарсани пулга олиб келиш мантиқсизликнинг ўзи. Лекин отамнинг ўша мантиқсиз бўлиб туюлган ишининг заминида жуда катта мантиқ, одамийлик ётганини энди сезиб турибман. Мен ўша пайтлар отамнинг бу содда фалсафасини тушунмаган эканман.

...Яна бозордаман. Ўша таниш растага бордим. Ҳалиги аёл жойида йўқ. Нима бўлди экан? Тинчликмикан?

Орадан бир ҳафта ўтди. Ўша жойда ўн ёшлардаги юпун кийинган қизча турибди. Қоғоздаги нарсалар менга таниш эди: ўша халта, ўша майда-чуйда... — Аянг қани? — дедим жовдираб турган қизчага.

— Аямнинг мазаси қочиб қолди, уйда, ўрнига мени жўнатдилар, — дедию негадир намланган кўзларини мендан олиб қочиб, секингина қўли билан артиб қўйди.

— Даданг ҳам борми, нима иш қилади?

— Борлар. Далада сув қўяди.

— Оилада яна ким-ким яшайсизлар?

— Бувим, мендан кейин яна иккита укам ҳам бор...

Оғир кунларингда сенга меҳрибонлик қилаётганларни кўрсанг, негадир кўнглинг юмшайди. Қизчанинг мурғак қалбини яна қандай ташвишлар қийнаётган экан, билмадим. Ёки бемор ётган онанинг «Қизим, буларни сотгин-да, менга ярим кило гўшт олиб келгин, пулинг камлик қилса, мол гўшти бўлса ҳам майли», деган илтижосини тезроқ бажаролмаётганидан эзилаётгандир. Ҳали гўштга лойиқ пул қилолмадимикан, ё. Қани энди тезроқ сотиб, аясининг тилагини бажо келтирса. Қиздан эса ҳеч ким харид ҳам қилмаяпти.

Бозорлик учун олиб келган бор пулимни чиқариб:

— Ма, буни ол. Аянг билан муомаламиз бор эди. Бир тоғамнинг сиздан қарзи бор экан десанг, ўзи тўшунади, — дедим-да пулни узатдим.

Қишлоғини, ҳатто исмини ҳам билмасам-да, бу нотаниш аёлнинг соғайиб кетишини ғойибона яратганнинг ўзидан тилаб, уйга харажатсиз қайтдим. Кетаяпману худди ҳақиқий қарзимдан қутулгандай, жуда енгил қадам ташлардим.

Қосимжон СОЛИЕВ,
Бешариқ туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

МЕҲРИ ҚУЁШ

(Ривоят)

Беш тақводор дўст — улфат
Қуришар эди суҳбат.
Айтиб турли ақида
Жаннатийлар ҳақида.
Ким биринчи? — шул орзу,
Қўйишар тош-тарозу
Қилган тавофларига,
Гуноҳ, савобларига,
Бири дер: — Менда иймон,
Энди йўқдур ҳеч гумон.
Иккинчи дер: — Бил манда
Намоз бўлмайди канда.
Тилга кирар учинчи:
— Қани мендек тутсин-чи
Рўзани бирон киши,
Фарқ қилмай ёзу қиши.
Тўртинчи дер: — Ҳеч бир зот
Бермаган мендек закот,
Бешинчи дер сўз олиб,
Бошини қуйи солиб:
— Сиз бажарган тўрт амал
Эрур шаксиз мукаммал,
Аммо бордур муаммо.
Айтинг комил уламо,
Бўлмоқлик учун Ҳожи
Борми ҳар ким иложи?
Минг шукур бундай шараф
Каминада мушарраф,
Оллоҳ карами сахий
Йўқликдан келди ваҳий.
Деди: — тингланг халойиқ,
Сизлар таҳсинга лойиқ.
Кўп ажрлар олурсиз,
Ҳур маконга борурсиз.
Лек биринчи жаннати,
Расул Акрам уммати.
Сизга ҳарфни ўргатган,
Ҳаёт йўлин кўрсатган.
Энг беминнат беғубор
Устоз деган зот бор!
Тўрт уламо эгиб бош
Деди: — ул меҳри қуёш
Муаллимга минг қуллуқ,
Умри савобга тўлиқ.

Шукур ДАДАШ.

«Фан» топқирлик машқи



Азиз муштарийлар! Жавобларни шаклга «занжир» ҳолида ёзиш билан машқни ҳал этинг.

1. Бошланғич таълим фидойиси, дарсликлар муаллифи устоз-муаллим. 2. Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганиб муҳим асарлар ёзиб қолдирган венгер туркшунос-этнографи. 3. Мамлакат ижтимоий тузуми асоси, унинг ишлаб чиқариш кучлари тараққиётини ўрганувчи фан, соҳа. 4. Сўзлашув воситаси қонун-қоидаларини ўрганувчи билим. 5. Ўзбекистонда сўнгги йилларда ташкил этилган ўрта ўқув юрти. 6. Вақтли матбуот фаолиятига оид фан. 7. Қадимги юнон файласуф олими. 8. Буюк ўзбек фалакиёт олими, маърифат ҳомийси. 9. Турли жараёнларни автомат тарзда бошқаришнинг математик услубларга асосланган фан соҳаси. 10. Ҳисоб амали тури. 11. Кунчиқар мамлакатларга оид фанлар мажмуи. 12. Ҳуқуқ илмининг жиноятларни очиш, аниқлаш усулларига оид соҳаси. 13. Физика фани бўлими. 14. Тошкентдаги XIX асрга мансуб мадраса. 15. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳуқуқшуносликка оид асари. 16. Мактуб шаклида ёзилган асар. 17. Бадиий ижод ҳақидаги фан. 18. Билим манбаи. 19. Туркистонда жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири, ёзувчи, дарсликлар муаллифи. 20. Даврлар бўйича воқеа, ҳодисалар қайд этилган манба. 21. Бухородаги мадрасалардан бири. 22. Араб алифбосидаги ёзув тури. 23. Мукаммал, тўлиқ луғат. 24. Мадраса ва дорилфунунларда кенг ўрганилган Имом Исмоил ал-Бухорий асари. 25. Ҳисоб илми соҳасининг қадимий номи. 26. Араб ҳарфларига асосланган ҳисоб илми. 27. Абу Али ибн Синонинг фалсафий асари. 28. Меридиан текислиги билан кузатилаётган осмон жисми орқали ўтган вертикал текислик ўртасидаги бурчак. 29. XIII аср олими Насриддин Тусийнинг шарқда кенг тарқалган асарларидан бири. 30. Механика фани бўлими. 31. Тилшуносликнинг сўзларни ўрганиш, тартибга солиш билан шуғулланувчи соҳаси. 32. Табиий фан. 33. Ҳарф, рақам кабиларнинг тасвирий ифодаси. 34. Тиниш белги. 35. Китобни қўйиб ўқиш учун мўлжалланган махсус мослама. 36. Ижтимоий фан. 37. Олий ўқув юртининг маълум ихтисосга оид бўлими. 38. Саломатликни сақлаш, даволашга оид фанлар мажмуи. 39. Ўтмишни ўрганувчи фан. 40. Мадрасаларда домлага кўмакдош талаба. 41. Олий илмий даража. 42. Маълум тизим асосидаги қонунлар мажмуаси. 43. Таниқли математик олим, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби. 44. Алишер Навоийнинг ер ва мулк масалаларига оид ноёб асари.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6